



ТИЛЛАРАРО ЭКВИВАЛЕНТЛИКНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ИМКОНИЯТЛАРИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИ МИСОЛИДА)

*Шомуродова Ш.Ж.,
СамДЧТИ ф.ф.н.*

Калит сўзлар: фразеологик бирликлар, семантика, эквивалентлик, коннотатив маъно, кўп маънолилиқ.

Таржима луғатларида фразеологик эквивалентликка эришиш йўллари лексикографлар олдида турган мураккаб вазифалардан саналади. Чунки фразеологик бирликлар (ФБ) сўзга нисбатан нутқий семантик хилма-хилликнинг яширин имкониятларига кўпроқ эга ва лингвомаданий тамойилларнинг ўрганилиши лозим бўлган асосий элементлари саналади. ФБ нутқ жараёнида иштирок этиши мумкин бўлган бир қанча семантик жиҳатлардан иборатдир. Фразеологик бирликлар маъноларининг луғатларда батафсил ва изчил ёритилиши луғатшунослар олдида турган муҳим вазифалардан саналади. У ёки бу фразеологик бирликнинг маъносини тўлақонли ёритиш лексикографдан юксак маҳоратни талаб этади. Таржима луғатларида фразеологизмларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш энг мушкул вазифалардан саналади. Ушбу вазифанинг қай даражада бажарилиши таржима луғатининг қиймати ва сифатини белгилайди. Таржима луғатлар тузиш жараёнида, асосан, икки тил бирликлари ўртасида эквивалентлик муносабатларини ўрнатиш масаласи этади. Мазкур эквивалент муносабатлар, асосан, турли тил вакиллари мантиқий тушунча системаларининг умумийлигига асосланади, яъни халқларнинг қайси ҳудудда истиқомат қилишидан қатъи назар, дунёни идрок қилишдаги мантиқий тушунчалари бир хил ҳисобланади. Ушбу фалсафий тамойил бир тил элементлари билан иккинчи тил элементлари ўртасида эквивалент муносабатлар ўрнатиш мумкинлигини асослайди.

Фразеологик бирликларнинг маъносини очиб беришда, изоҳлашда, албатта луғат тури, ҳажми эътиборга олинган ҳолда иш юритилади. Махсус катта ҳажмли таржима ва изоҳли луғатларда, табиийки, паремиологик бирликларнинг маънолари батафсил баён қилинади. Кенг омма эътиборига мўлжалланган ўрта ҳажмдаги луғатларда фразеологик бирликларнинг маъноларини ёритиш имконияти мавжуд эмас. Бу каби луғатларда ФБлар маъноларини ёритиш масаласи бирмунча мураккаб вазифа саналса-да, бу нарса луғатнинг келажакдаги ютуғига замин яратади. Лексикографлар олдида қатор мураккабликларни юзага келтирувчи омиллардан яна бири бу сўз маъносининг у ёки бу контекстда қўлланишига қараб ўзгаришидир. Лексикография амалиётида энг муҳим қийинчилик сўз ёки сўз бирикмасининг маъносини унинг қўлланишидан фарқлаш ҳисобланади. “Қўллаш мазмун билан тенг қийматга эга эмас, унда сўзнинг кўплаб мазмуний имкониятлари яширин. Қўллаш - бу фақатгина сўзнинг у ёки бу маъносини ишлатиш саналади” [2,37]. Бу каби муаммо фразеологик материалга ҳам дахлдор. Аммо ФБ сўзга нисбатан нутқий семантик хилма-хилликнинг яширин имкониятларига кўпроқ эга, чунки ФБ нутқ жараёнида иштирок этиши мумкин бўлган бир қанча семантик жиҳатлардан иборат. Фразеологиянинг бу хилдаги мунтазам, батартиб характеристикаси Brewer E.C. A Dictionary of Phrase and Fable. Cent. ed. 2 nd impr. London; 1991; Hyamson A.M. A Dictionary of English Phrases. – London; New York, 1992; Longman Dictionary of English Idioms.-



London, Longman Group Ltd., 1999 каби луғатларда келтирилади. Таъриф (дефиниция) ўзига хос вазифаси боис, тил бирлиги мазмунининг, шу жумладан, ФБнинг ҳам систем-коннотатив жиҳатини акс эттирмайди. Мазмуннинг систем-коннотатив жиҳатини таъриф таркибига киритишга бўлган ягона уриниш Ф.Вуд томонидан амалга оширилган. Айнан битта тил бирлигининг маъноларини таърифлашда, яъни бу birlik семантик белгиларини тартибга солишда лексикографлар, албатта, ҳар доим аниқ семантик белгиларнинг қандайдир умумий (яъни ўзгармас) тўпламини ажратиб кўрсатишади. Бу умумий тўплам, одатда, ушбу тил бирлигининг асосий ажралмас семантик белгиларидан тузилган бўлади. Айрим ҳолларда бир-биридан фарқланувчи белгилар ҳам бўлиб, улар, одатда, ҳар хил контекстлардан олинган бўлади. Шунга кўра, улар у ёки бу ФБ мазмунининг ўзгарувчан қисмини ташкил қиладилар. Бу каби маълумотлар турли хил матнларни изчил тарзда таҳлил қилиш натижасида олинади. Матнларни таҳлил этиш жараёнида аниқланишича, кўп маъноли ФБлар ўзларининг битта ёки иккита маъноларигагина эквивалентларга эга эканлиги таржима луғатларида фразеологизмлар семантикасини тўлалигича ёритиш имкониятини чегаралайди. Масалан, to sit on one's hands ФБ биринчи маъноси “аранг қарсақ чалмоқ”га to get (give) a big (good) hand “давомий олқишлар билан кутиб олинмоқ” ва to bring down the house “жўшқин кутиб олинмоқ”. Иккинчи маъноси “ҳеч нарса билан шуғулланмаслик”га to come up to the chalk – “шижоатли меҳнат қилмоқ” маъносида қўлланилади.

Фразеологик birlikларнинг семантик жиҳатдан битта тил доирасида ўзаро синонимик ва антонимик алоқага киришуви ҳам таржима луғатларида эквивалентлик алоқаларининг тўлақонли ёритилишини мураккаблаштириши мумкин. Жумладан, to spill the beans (сўзлашув услубида) “сирни очиб қўймоқ, фош қилиб қўймоқ, оғзидан гуллаб қўймоқ” ва унинг синонимлари to tip the

(one's) elbow = bend the elbow “сирни очмоқ” ва to blow the gab (the gaff) (sl.) “оғзидан гуллаб қўймоқ, ғийбат қилмоқ, сотқинлик қилмоқ, бирон кимга қарши кўрсатма бермоқ”; to make a break / a bad break “оғзидан гуллаб қўймоқ; нотўғри қадам қўймоқ”; to let the cat out of the bag “кимнингдир сирини очиб қўймоқ, оғзидан гуллаб қўймоқ, ўзини билдириб қўймоқ” каби фразеологизмларнинг барчаси to button up (one's) lip “сир сақламоқ” фразеологизмининг антонимлари саналади. Ушбу фразеологизмнинг ўзи эса to be under one's hat “қаттиқ сир сақламоқ”, to draw the curtain (on, over) smth. “ниманидир яширмоқ, оғзини очмаслик.” ва to keep one's own counsel “ниманидир яширмоқ not to breathe a syllable (a word) “лом-мим демаслик, сир сақламоқ фразеологизмлари билан синонимик алоқаларга киришади.

To keep one's shirt on “хавотир олмаслик, ўзини хотиржам тутиш” фразеологизми ва унинг синоними to hold one's horse (sl.) “сабрли бўлмоқ, ўзини осойишта тутмоқ” фразеологизми ўзаро синонимик алоқада бўлган бир қатор антоним фразеологизмларга эга. Булар қуйидагилар:

to get in one's hair “кимнингдир асабига ўйнамоқ, безовта қилмоқ, жонига тегмоқ”;

to have kittens, to have a litter of Kittens “қаттиқ хавотирга тушмоқ, қаттиқ жаҳл қилмоқ, саросимага тушмоқ”;

to go up in the air “жаҳли чиқиб кетмоқ, кучли ҳаяжонга чулғанмоқ”;

to be one's ear “қаттиқ жаҳл қилмоқ, ўта асабий ҳолатда бўлмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ”;

to get somebody's Indian up “кимнингдир жаҳлини чиқармоқ, кимнидир хафа қилмоқ”;

to throw a fit “ғазабдан қутуриб кетмоқ”;

to have it in for smb. “кимгадир жаҳл қилмоқ”;

to get one's hammer out “кимдандир ўч олишни истамоқ, ким биландир душманларча муносабатда бўлмоқ, кимнидир хушламаслик”;



to hit the ceiling “қаттиқ хавотирга тушмоқ, қаттиқ жаҳл қилмоқ, саросимага тушмоқ”;

to get under one’s skin “кимнингдир асабига ўйнамоқ, кимнингдир жонига тегмоқ.”;

to blow a fuse (a gasket) “қаттиқ хафа бўлмоқ, жаҳлдан ўзини тутиб тура олмаслик, жаҳлдан ўзини йўқотиш”;

to blow one’s top (cap, lid, stock) “қаттиқ хафа бўлмоқ”;

to give smb. a pain in the neck “кимнингдир асабига ўйнамоқ, кимнингдир жонига тегмоқ” (5; 32).

To lay down (to bury) the hatchet “тинчлик ўрнатмоқ, душманликка чек қўймоқ” фразеологизмига to take up the tomahawk “уруш бошламоқ, ҳарбий ҳаракатларни бошламоқ” фразеологизми антоним бўла олади.

To keep the run of something “ишдан бохабар бўлмоқ, ниманидир кўздан қочирмаслик” фразеологизми to lose the run of something “бирон ишдан беҳабар бўлмоқ, кимнидир кузатишдан тўхташ” маъноларини берувчи фразеологизм билан антонимик муносабатга киришади.

To do smb. dirt “кимгадир чох казимоқ, кимгадир ифлослик қилмоқ, ким биландир ёмон муносабатда бўлмоқ” фразеологизми to die dog for smb. “кимгадир ўта вафодор бўлмоқ, ким учундир жон беришга тайёр бўлмоқ” фразеологизмининг антоними саналади.

To cut up soft “соғлигига кўра бирон мусобақада қатнашишга лойиқ бўлмаслик” фразеологизми to be hitting on all four (six) cylinders “ўзини жуда яхши ҳис этмоқ, формада бўлмоқ, ишга лаёқатли бўлмоқ” фразеологизмига антоним ҳисобланади.

Кўп маъноли ФБларнинг айримлари фақатгина ўзларининг у ёки бу маъноларигагина антонимларга эгадирлар. Мисол учун, to sit on one’s hands фразеологизми ўзининг биринчи ҳисобланган “қарсак чалмаслик” маъносига антоним сифатида иккита фразеологизмга эга. Улар қуйидагилар:

1. to get (give) a big (good) hand “давомий олқишларга сазовор бўлмоқ”;

2. to bring down the house “эътироф

этилмоқ”. Иккинчи маъносига эса тўлиқ мос келадиган антонимга эга эмас.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, таржима луғатларини тузиш жараёнида фразеологизмлар семантикасини битта тил доирасида таҳлил этиш ҳам структуравий, ҳам семантик жиҳатдан нотўғри бўлади. Шунга кўра, таржима луғатлари тузиш жараёнида қуйидаги эквивалент муносабатлар ўрнатиш принципларидан фойдаланиш мумкин:

1. Фразеологизм бир тилдан иккинчи тилга тўлиқ эквивалент орқали таржима қилинади. Масалан, қуйидаги ибораларнинг шакли ҳам, маъноси ҳам тўла мос тушади: Life and death struggle (ҳаёт-мамонт жанги), to draw the line (чизиқ тортмоқ), the seven wonders of the world (дунёнинг етти мўъжизаси), the seven deadly sins (етти кечирилмас гуноҳ),

2. Фразеологизм бир тилдан иккинчи тилга қисман эквивалент орқали таржима қилинади. Бунда фразеологизмлар шаклида баъзи ўзгаришларга қарамасдан, маъно эквивалент ҳисобланади. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни келтирамиз: the last straw (охирги томчи), the seven virtues (етти эзгу иш, етти эзгу фазилат).

3. Аналог орқали таржима қилиш принципи. Юқоридаги услублардан фойдаланиш имконияти мушкул бўлиб қолган вақтда тиллардаги ўхшаш ибораларни жалб қилиш орқали таржима қилиш мумкин.

Ушбу фразеологизмларда шакл турли бўлишига қарамасдан, эквивалент маъно кузатилади: everything is at sixes and sevens (ҳаммасининг оёғи осмондан бўлмоқ), to join the angels (у дунёга рихлат қилмоқ), play the advantages over smb. (кимнидир чув туширмоқ), back and forth (миридан сиригача).

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, фразеологик бирикмаларнинг асл мазмун-моҳиятларини таржима луғатларида тўлақонли очиб бериш жуда мушкул иш. Бу борада лексикографлар олдида бир қатор муаммолар кўндаланг



туради. Хулоса сифатида шуни айтиш
мумкинки, ушбу муаммоларнинг қай

даражада ижобий ҳал этилиши таржима
луғатининг сифатини белгилаб беради.

Адабиётлар

1. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007. – 274 б.
2. Виноградов В. Лексические вопросы перевода художественной прозы. – М., 1978. – 74 с.
3. Казакова Т.А. Техника перевода. – СП б.: Союз, 2003. – 250 с.
4. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь.–Изд.4-е, переработанное и дополненное. – М.: Русский язык, 1984. – 942 с.
5. Brewer E.C. A Dictionary of Phrase and Fable. Cent. ed. 2nd impr. London; 1991.-475 p.
6. Bushuy T.A. Phraseological Equivalention as a problem of Contrastive Lexicography // Contrastive Linguistics.– Sofia, 1996. - №1.–P.30-35.
7. Hornby A.S. The Advanced Learners Dictionary of Current English. – London: Longman, 1999. – 678 p.
8. Hyamson A.M. A Dictionary of English Phrases. – London; New York, 1992. .-524 p.
9. Longman Dictionary of English Idioms.- London, Longman Group Ltd.

Shomurodova Sh. Lexicographic possibilities of translingual equivalency (on the materials of English and Uzbek phraseological units). The article is dedicated to the analysis of some difficulties in the presentation of phraseological units in bilingual dictionaries.

Шомуродова Ш. Лексикографические возможности межъязыковой эквивалентности (на примере английских и узбекских фразеологизмов). В данной статье анализируются проблемы, возникающие в процессе раскрытия значений фразеологизмов в переводных словарях.